



**КУТУБХОНА РЕСУРСЛАРИДАН МОБИЛ АЛОҚА АСОСИДА ТАРМОҚДАН
ФЙДАЛАНИШНИНГ ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИНИ ЯРАТИШ ВА ТАТБИҚ ЭТИШ
(ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ МИСОЛИДА)**

Лутфиллаев Махмуд Хасанович,

*Ўз Миллий университети педагогика фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат чет тиллар институти, ассистент*

Лутфиллаева Фахринисо Махмудовна,

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

Калит сўзлар: кутубхона ресурси, дастурий таъминот, корпоратив тармоқ, тезкор ахборот, АРМАТ.

Ўзбекистон республикасининг биринчи Президентининг республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида қарорида: ... Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига:

аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги кизиқишларини

замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондириш;

китобхонларга анъанавий кутубхона хизмати кўрсатишдан ўз ахборот ресурсларини яратиш ва жаҳон илмий-таълим ахборот ресурсларидан фойдаланиш

имкониятини бериш йўли билан ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга ўтишни таъминлаш;

универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрлар (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондларни шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун бериш;

йиғма электрон каталог ёрдамида ахборот ресурсларини бирлаштирувчи электрон кутубхоналар ва маълумот базаларини яратиш;

Ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг

асосий қисмини ахборот –коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш масаласини долзарб эканлиги кўзга ташланиб турибди.

Бугунги кунда таълим муассасаларида ва бошқа ташкилотларда кутубхонадаги мавжуд ресурслардан фойдаланиш асосан кутубхонанинг ўзида, ёки корпоратив тармоқ орқали амалга оширилмоқда. Бу эса ўз навбатида кутубхона ресурсларидан тезкор тарзда фойдаланиш учун анча ноқулайликлар туғдиради. Айниқса кутубхонадан маълумотларни тезкор тарзда олиш уларни қайта ишлаш ва керакли манзилларга ўз вақтида юбориш масалаларини амалга оширишда бирмунча қийинчиликларга олиб келмоқда. Кутубхонадан маълумотларни мобил алоқа асосида тезкор тарзда олиш қулай методлардан биридир. Мобил алоқа асосида кутубхонадан маълумотларни олиш учун керакли дастурий воситаларни яратишни тақозо этади. Шу боис кутубхонадаги маълумотларни мобил телефонлар орқали олишнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ушбу мақолада мобил алоқа асосида кутубхоналардан фойдаланишнинг дастурий таъминотини яратиш ва олий таълим муассасаларига жорий этиш масаласи қўйилган. Бу масалани ечиш



орқали таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар ва фойдаланувчилар қўл телефонлар орқали керакли ва тезкор маълумотларни олиш имкониятига эга бўладилар.

Шуни таъкидлаш жоизки, мобил алоқа асосида кутубхона хизматлардан фойдаланишни дастурий таъминотини яратиш айниқса Республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қиладиган фуқаролар учун жуда қулай восита ҳисобланади.

Мақолада олий таълим муассасаларидаги ахборот ресурс марказларининг тармоқ тизимидан фойдаланишни самарали ташкил қилишнинг дастурий таъминотини яратиш масаласи ёритилган.

Бугунги кунда Республикада таълим инфраструктурасини ахборот макони билан таъминлаш, ахборот коммуникация технологиялари асосида олий таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларини корпоратив тармоққа бирлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Корпоратив тармоққа бирлаштиришдан асосий мақсад улардаги мавжуд ресурслардан тўғридан-тўғри тармоқ орқали фойдаланишни йўлга қўйишдан иборат.

Мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказларида жорий этилган КАРМАТ тизими асосида таълим муассасаларининг ахборот ресурс марказларини ягона маълумотлар базаси асосида фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Республикада олий таълим муассасаларининг барчасида ахборот-ресурс марказлари корпоратив тармоққа уланган.

Бугунги кунда кутубхона ресурсларидан фойдаланиш асосан КАРМАТ, АРМАТ ва ИРБИС автоматлаштирилган тизимлар асосида олиб бориш йўлга қўйилган.

КАРМАТ ва АРМАТ автоматлаштирилган тизимларнинг асосий вазибаларидан бири кутубхоналарда тармоқ яъни корпоратив тармоқдан фойдаланиш асосида уларнинг ресурсларидан фойдалана олишни ташкил этишдан иборатдир.

Шу боис АРМАТ тизимида КАРМАТ тизимига нисбатан бир мунча қулайликлар яратилганки, буларга масофадан туриб буюртма бериш, кутубхонага аъзо бўлиш ва масофадан ахборот ресурсларни нухасин олиш каби масалалар ечимини топган.

Бундай тизимнинг яратилиши кутубхона ресурсларидан фойдаланишни масофадан туриб амалга ошириш имкониятини яратиш билан бир қаторда маълумотларни тезкор олиш уларни қайта ишлаш ва керакли хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш учун катта замин яратиб қолмасдан фойдаланувчиларнинг вақтини тежаш ҳамда уларни соғлиқларини сақлаш имкониятини беради. Айниқса бу борада ёшларимизни керакли адабиётларни ўз вақтида олиш имконияти уларнинг китоб ўқишга бўлган хафсаласини оширишга олиб келадикки, бу ўз навбатида уларни маънавий юксалишига ҳамда дунё карашини ривожланишга катта ҳисса қўшади.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда турли ташкилотлар ва таълим муассасаларида интерактив хизматдан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Интерактив хизматлардан фойдаланиш асосан таълим ва бошқа ташкилотларда Интернет тармоғи асосида олиб борилаётгани маълум. Интернет тармоғидан интерактив хизматлардан фойдаланиш маълум бир сабабларга кўра (тармоқнинг тезлиги билан ёки электр манбаининг узилишлари ва ҳ.к.) имконияти чегараланган бўлиши мумкин. Бундан ташқари Интернет тармоғига уланиш ташкилот ва муассасаларда мумкин бўлса, жисмоний шахсларнинг Интернет тармоғига уланиши маълум бир маблағни талаб қилади. Шу боис



интерактив хизматлардан мобил телефонлар орқали маълумотлар олишнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланишни йўлга қўйиш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Таълим муассасаларида яратилаётган интерактив хизматларни мобил алоқа асосида фойдаланишнинг дастурий таъминотини яратиш ва олий таълим муассасаларига жорий этиш масаласи ёрдамида кутубхона ресурсларидан фойдаланишни амалга ошириш мумкин. Бу масалани ечиш орқали таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар, профессор ўқитувчилар ва барча фойдаланувчилар кўл телефонлар орқали керакли адабиётларни олиш имкониятига эга бўладилар. Бундан ташқари таълим муассасаларидаги мавжуд тузулмадан ва таълим жараёнида амалга оширилаётган ислохотлар ва янгиликлардан ўз вақтида хабардор бўлиш имкониятини яратади.

Шуни таъкидлаш жоизки, мобил алоқа асосида интерактив хизматлардан фойдаланишни дастурий таъминотини яратиш айниқса Республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қиладиган фуқаролар учун жуда қулай восита ҳисобланади.

Қўйилган масаланинг асосий мақсади Республика олий таълим муассасаларидаги ахборот-ресурс марказларидаги мавжуд ресурслардан тармоқ орқали мобил алоқа ёрдамида фойдаланишнинг дастурий

таъминотини яратишдан иборат. Масалани ечиш орқали олий таълим муассасаларида таълим олаётган талабалар, ходимлар ва профессор-ўқитувчилар ахборот-ресурс марказларига мобил телефонлари орқали буюртма бериш имкониятига эга бўладилар. Бундай имкониятнинг яратилиши олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган барча талабалар ва ходимларнинг бир томондан вақтини тежаш ва тезкор маълумотларни олиш имкониятини яратади, иккинчи томондан бўлса, уларнинг олий таълим муассасаларига келиб кетмаслик ҳисобидан иқтисодий тежамкорликка эришишга олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда кутубхона ресурсларидан мобил алоқа асосида буюртмалар бериш ва мавжуд адабиётлардан фойдаланиш имкониятини яратиш таълим тизими самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда И-2016-4-15 инновация лойиҳаи асосида кутубхона ресурсларидан тармоқда мобил алоқа ёрдамида фойдаланишнинг дастурий таъминоти яратилди ва Ўзбекистон республикасининг Миллий университети ахборот-кутубхона фаолиятига жорий этилди. Шунинг билан бир қаторда яратилган дастурий таъминотга Ўзбекистон республикаси Патент идорасидан “ЭҲМ дастури учун “ 3 та сертификат олишга ҳужжатлар тақдим этилган.

Адабиётлар

- 1. Чистяков А.В., “Дидактические принципы применения информационных технологий в обучении”, [хтп://www.stu.ru/конф2001/филес/1/4.zip](http://www.stu.ru/конф2001/филес/1/4.zip)
- 2.Грих Е.Ю. “Проблемы применения компьютерных технологий в образовании. методы решения”, [хтп://www.stu.ru/конф2001/филес/1/22.zip](http://www.stu.ru/конф2001/филес/1/22.zip)
- 3.Лутфиллаев М.Х, Алланазарова Н.А, Хасанов Ш.М. Разработка методической системы виртуальных ресурсов на основе компьютерных имитационных моделей. Ж. «Казахский журнал новости науки» научно-технический журнал 2015 №б. 9-19 С.
- 4.Лутфиллаев.М.Х, Хасанов Ш.М. Олий таълим муассасаларида интерактив хизматлардан фойдаланишнинг дастурий таъминотини яратиш ва жорий этиш. “Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари”. Республика илмий конференция. Навоий 2015. 5-7 б.



5.М.Х.Лутфиллаев. Методические основы развития логического мышления с использованием компьютерных имитационных моделей //Современные тенденции развития науки и технологий. Периодический научный сборник по материалам XI Международной научно-практической конференции г. Белгород 2016. № 6.

6.М.Х.Лутфиллаев. Разработка и внедрение виртуальных лабораторий на основе компьютерных имитационных моделей(на примере предмета «зоология беспозвоночных») Современные тенденции развития науки и технологий Периодический научный сборник по материалам XI Международной научно-практической конференции г. Белгород, 2016•№ 2-1 с. 57-61.

Лутфиллаев М., Лутфиллаева Ф. Разработка программной поддержки использование библиотечных ресурсов на основе мобильной связи (на примере высшего образования) В данной статье обсуждается теоритические и практические аспекты использование библиотечных ресурсов на основе мобильной связи на базе корпоративной и глобальной сети.

Lutfillayeva M., Lutfillayeva F. Development of programmny support use of library resources on the basis of mobile communication (on the example of the higher education). In the article theoretical and practical aspects use of library resources on the basis of mobile communication on the basis of a corporate and wide area network is discussed.
